

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ЛУТФУЛЛО ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**География фанлари доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)
по географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor (DSc)
on geographical sciences**

Ибрагимов Лутфулло Зиядуллаевич

Жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлигининг иқтисодий географик
хусусиятлари5

Ибрагимов Лутфулло Зиядуллаевич

Экономико-географические особенности занятости населения в юго-
западном Узбекистане.....29

Ibragimov Lutfullo Ziyadullayevich

Economic geographical features of employment of the population in south-western
Uzbekistan.....55

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....60

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИБРАГИМОВ ЛУТФУЛЛО ЗИЯДУЛЛАЕВИЧ

**ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3. DSc/Gr35 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Тожиева Зулхумор Назаровна
География фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турдимамбетов Изимбет Рахметович
География фанлари доктори

Умурзаков Баходир Хамидович
Иқтисод фанлари доктори

Ҳайитов Ёзил Қосимович
География фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 7 сентябрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-14; факс: (99871) 246-02-24; E-mail: ik-geografiya.nuu@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 106 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-71.)

Диссертация автореферати 2022 йил 24 август куни тарқатилди.
(2022 йил 24 августдаги 43-рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, г.ф.д, профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

М.Т.Миракмалов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, г.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, айниқса, меҳнат ёшига етиб келаётганларни иш билан таъминлаш, ишсизликнинг олдини олиш мураккаб вазифалардан бири бўлиб бормоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳисоботида «2022 йил бутун дунёда ишсизлар сони 207 млн кишига етиши, бу эса 2019 йилга нисбатан 21 млн кишига кўпроқ эканлиги»¹ келтирилган. Ҳозирги вақтда мамлакатлараро савдо-сотик ҳажмининг сезиларли даражада камайиши, маҳсулот етказиб беришдаги глобал ва ҳудудий занжирлардаги узилишлар, шунингдек, молия бозорларида кузатилаётган инқироз кўпгина давлатларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат аҳоли бандлиги шаклланишининг ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ ҳамда уларга таъсир этувчи географик, ижтимоий-демографик ва бошқа муаммоларнинг ечимига қаратилган тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, хусусан, аҳоли таркибида ёшлар улуши катта, демографик салоҳияти юқори бўлган мамлакатларда, биринчи навбатда, аҳоли бандлиги, меҳнат ресурслари миқдорининг ўсиши ҳамда аҳоли ўртасида ишсизлик даражасининг ортиб боришига таъсирини ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳудудлар аҳолиси бандлиги ва унга иқтисодий географик, ижтимоий-демографик омиллар таъсирида аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик муаммолари ҳамда уларнинг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш, илмий тадқиқ этиш, ҳудудий ривожлантириш дастурларини такомиллаштириш ва белгилашда муҳим ҳисобланади.

Республикада янги иш ўринларини яратиш, мавжуд меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, аҳоли бандлигини оширишда ҳудудий хусусиятларни эътиборга олиш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, юқори демографик салоҳиятга эга бўлган жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлиги шаклланишининг ҳудудий хусусиятлари, уларга таъсир этувчи географик, ижтимоий-демографик омилларнинг ҳудудий муаммолари ечимига қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026

¹ <https://news.un.org/ru/story/2022/01/1417012>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги Қарорлари мазкур йўналишдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Аҳоли бандлиги муаммолари ва меҳнат ресурслари билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан, International Labour Organization (АҚШ), The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD) (Франция), The institute of labor economics (Германия), The Institute for Work and Employment Research (Буюк Британия), Global Employment Institute (GEI) (Буюк Британия), миграцион оқимнинг аҳоли бандлигига таъсирини баҳолашга оид тадқиқотлар Employment Policies Institute (АҚШ), International Organizations of Employers (Швейцария), Australian Institute of Employment Rights (AIER) (Австралия), аҳоли бандлигини таъминлашда минтақалар рақобатбардошлигини ошириш The Institute for Work and Employment Research (IWER) (АҚШ), Labour Institute for Economic Research (Финляндия) Москва давлат университети (Россия), шунингдек, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни тартибга солиш механизмларини илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга оид бир қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш механизмлари такомиллаштирилган (Institute of Labor Economics, Германия), замонавий иш ўринларини ташкил этиш ва бошқариш, иш билан бандлик самарадорлигини ошириш механизмлари, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришиш, ишчи кучи ҳаракатчанлигини таъминлаш негизида такомиллаштирилган (Labour Institute for Economic Research, Финляндия),

³Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.ilo.org>; <https://www.oecd.org>; <https://www.iza.org>; <https://www.bib.bund.de>; <https://iwer.mit.edu>; <https://wapes.org>; <https://www.iab.de>; <https://www.ibanet.org>; <https://epionline.org>; <https://www.ioe-emp.org>; <https://www.aierights.com.au>; <https://labour.fi>; <https://www.msu.ru> каби сайтлари асосида тузилган.

янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини оширишда минтақалар рақобатбардошлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (The Institute for Work and Employment Research, Буюк Британия), меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли бандлигини оширишда тармоқлар ва ҳудудий таркиби такомиллаштирилган (Federal institute for population research, Германия), миграцион оқимни аҳолининг иш билан бандлигига таъсир даражаси баҳоланган ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган (Employment Policies Institute, АҚШ).

Дунёда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини оширишда минтақаларнинг рақобатбардошлигини ошириш, миграцион оқимнинг аҳоли бандлигига таъсирини баҳолаш, бандликни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш механизмларини такомиллаштириш ва замонавий иш ўринларини ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратган ҳолда ижтимоий-иқтисодий фаровонликка эришиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли бандлиги сиёсати, бандликни таъминлаш механизмлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда самарали бандликнинг айрим жиҳатлари, А.Смит, Д.Рикардо, Т.Р.Мальтус, А.Маршалл, Ж.М.Кейнс, А.Пигу, М.Фридман, П.Э.Самуэлсон, Е.Т.Гурвич, С.Г.Ермолаева, Ж.Е.Соколова, С.А.Осипов, Г.С.Вечканов, А.И.Рофе, Б.Г.Збышко, В.В.Ишин ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

Меҳнат ресурслари шаклланишининг ҳудудий жиҳатлари ва аҳоли бандлигига оид тадқиқотлар Н.Н.Баранский, О.А.Константинова, Н.Н.Колосовский, Ю.Г.Саушкин, С.А.Ковалев, А.А.Подосян, А.Котляр, шунингдек, замонавий географик тадқиқотлар А.А.Асеева, Э.Л.Вдовина, О.Ю.Сушкова, А.Л.Статва ва бошқаларнинг ишларида ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда аҳоли билан боғлиқ ҳудудий муаммолар ва демографик жараёнларга оид илмий тадқиқотлар М.Қ.Қорахонов, М.Р.Муллажонов, О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А.Абдуғаниев, Т.И.Раимов, М.Р.Бўриева, Л.П.Максакова, З.Н.Тожиева, Г.Ходжаевалар, меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва аҳоли бандлигига оид тадқиқотлар Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Ш.Р.Холмўминов, Р.А.Убайдуллаева, А.А.Қаюмов, Р.Б.Қодиров, Н.У.Арабов, Н.Х.Раҳимова, А.А.Исломов, Н.Н.Юлдашев ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Ушбу география ва иқтисодиёт соҳаси олимларининг илмий асарларида республика аҳолиси бандлиги муаммолари ҳамда унинг иқтисодий географик хусусиятлари илмий-услубий ва амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган. Бугунги кун нуқтаи назаридан Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва унга таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий, демографик, географик ва бошқа омилларнинг таъсирини баҳолаш услубларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги мазкур мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат университети ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-20170928644 «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш муаммолари» (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ва уларга таъсир этувчи омилларни баҳолаш ҳамда бу борадаги муаммоларнинг ечими бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг географик жиҳатларини баҳолашнинг илмий-назарий масалаларини тадқиқ этиш;

аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан жануби-ғарбий Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш;

иш билан бандлик ва меҳнат ресурслари шаклланиши, ишчи кучи миграцияси ва унга таъсир этувчи омиллар, унинг ҳудудий хусусиятларини ўрганиш ҳамда меҳнат мигрантларидан тўғри фойдаланишни амалга ошириш учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

аҳоли бандлигини кўп омилли эконометрик моделлаштириш орқали уларга таъсир кўрсатувчи иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш;

жануби-ғарбий Ўзбекистонда агросаноат кластерларини жорий қилиш имкониятларини ўрганиш ва у орқали аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш даражасини баҳолаш;

жануби-ғарбий Ўзбекистон аҳолиси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли, расмий ва норасмий сектордаги бандлар сонининг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини тўғри ва аниқ режалаштириш учун истиқболли йўналишларни таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жанубий-ғарбий Ўзбекистон аҳолиси бандлиги олинган.

Тадқиқотнинг предмети аҳоли бандлиги шаклланишининг иқтисодий географик хусусиятлари, уларга таъсир этувчи географик, ижтимоий-демографик омиллар ва уларнинг ҳудудий муаммолари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ва қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик, эконометрик моделлаштириш, экстраполяция, иқтисодий-статистик таҳлил, танланма социологик усуллар ва ГАТ технологияларидан кенг фойдаланилди. Шунингдек, минтақа аҳолисининг жойлашуви ва бандлиги билан боғлиқ ҳудудий хусусиятларни ўрганишда типологик ва районлаштириш методи қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жануби-ғарбий Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ туманларининг меҳнат

бозорида аҳоли бандлигининг ҳудудий тақсимланишидаги вазиятни географик баландлик минтақалари (чўл-дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлар) бўйича иқтисодий географик хусусиятлари (иқтисодий географик ўрни, ҳудудий меҳнат тақсимоти, ихтисослашув, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, районлаштириш) баҳоланган ва унинг илмий-услубий асослари такомиллаштирилган;

кўп омилли Пирсон корреляция усулини қўллаб, эконометрик моделлаштириш асосида жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларининг 18 та индикаторли ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг аҳолини иш билан бандлигига боғлиқлик даражаси (паст, ўрта, юқори) аниқланган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларининг меҳнат ресурслари салмоғи юқори бўлган қишлоқ туманларида ишсиз меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик ихтисослашувига мутаносиб пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш асосида янги иш ўринларини (2500 та) яратиш имкониятлари баҳоланган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларидаги банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий табақалашуви бўйича ҳудудий демографик таркиби ҳамда ишсизлик сабаблари (иш жойларининг камлиги, ишга кириш учун асосий ташкилотларга мурожаатларнинг самарадорлиги, ишсиз аҳоли томонидан бизнесни ташкил қилишдаги қийинчиликлар ва бошқалар) ижтимоий сўровномалар орқали асосланган;

жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва уларга таъсир этувчи омиллар билан ўзаро боғлиқлик даражаси (юқори, ўрта, паст) баҳоланган ҳамда «меҳнат ресурслари», «аҳоли табиий ҳаракати», «аҳоли бандлиги бўйича районлаштириш» ва «аҳоли бандлигининг прогноз кўрсаткичлари» «меҳнат муносабатларининг прогноз кўрсаткичлари» карталари ArcGIS дастурида яратилган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларининг аҳолиси, меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, иқтисодий фаол аҳоли, расмий ва норасмий сектордаги иш билан бандлар сонининг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари баланс, моделлаштириш ва экстраполяция усуллари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жануби-ғарбий Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ туманларининг меҳнат бозорида аҳоли бандлигининг ҳудудий тақсимланиши географик баландлик минтақалари ҳамда иқтисодий географик хусусиятлари баҳоланган;

ҳудудлар табиий шароити, ресурслари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг аҳоли бандлигига таъсири баҳоланган;

кўп омилли эконометрик моделлаштириш асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда уларнинг аҳолининг иш билан бандлигига боғлиқлик даражаси аниқланган;

банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий табақалашуви бўйича ҳудудий демографик таркиби ҳамда ишсизликка олиб келган сабаблар ижтимоий сўровномалар ўтказиш орқали аниқланган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятлари аҳолиси, меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, иқтисодий фаол аҳоли, расмий ва норасмий сектордаги иш билан бандлар сонининг 2030 йилгача мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларидан фойдаланилганлиги билан асосланади. Асосий натижалар республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, Ўзбекистон Миллий атласидаги чоп этилган карталарда, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган методологик ҳамда услубий таклиф ва тавсиялар, прогноз ва моделларнинг ишлаб чиқилганлиги меҳнат ресурсларидан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишда ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳудудларда демографик жараёнларни тартибга солишга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда муҳим илмий манба сифатида хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодий география фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, соҳага оид дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли иш билан бандлигининг ҳудудий хусусиятларини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

жануби-ғарбий Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ туманларининг меҳнат бозорида аҳоли бандлигининг ҳудудий тақсимланишидаги вазиятни географик баландлик минтақалари (чўл-дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлар) бўйича иқтисодий географик хусусиятларини баҳолаш натижалари вазирликнинг «Банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни ташкил қилиш» ва «Бандлик дастурларини шакллантириш ва мониторинг қилиш» бошқармалари амалиётида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 01/00-03/09-3734-сон маълумотномаси). Натижада, географик баландлик минтақалари ва иқтисодий-ижтимоий географик хусусиятлар аҳоли бандлиги соҳасидаги давлат сиёсати самарадорлигини асослаш имконини берган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларида кўп омилли Пирсон корреляция усули ёрдамида эконометрик моделлаштириш асосида ҳудудларнинг 18 та индикаторли ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлари

ҳамда уларнинг аҳолини иш билан бандлигига боғлиқлик даражасини аниқлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 01/00-03/09-3734-сон маълумотномаси). Натижада, аниқланган кўрсаткичлар аҳоли бандлигига таъсир этувчи омилларни кўп омилли таҳлил қилиш орқали ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқиш имконини берган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларининг меҳнат ресурслари салмоғи юқори бўлган қишлоқ туманларида янги иш ўринларини (2500) яратиш, ишсиз меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалик ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда, пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш имкониятларини баҳолашга оид натижалар уюшма томонидан ҳудудларда пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этишга оид ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда жорий этилган («Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмасининг 2022 йил 28 апрелдаги 02/22-251-сон маълумотномаси). Натижада, кластер корхоналарининг фаолиятини кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ривожлантириш бўйича тadbирларни амалга ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратиш орқали ишсиз меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш имконини берган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларидаги банд бўлмаган аҳолининг ижтимоий табақалашуви бўйича ҳудудий демографик таркиби ҳамда ишсизлик сабабларини (иш жойларининг камлиги, ишга кириш учун асосий ташкилотларга мурожаатларнинг самарадорлиги, ишсиз аҳоли томонидан бизнесни ташкил қилишдаги қийинчиликлар ва бошқалар) асослаш бўйича ўтказилган ижтимоий сўровномалар натижалари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 01/00-03/09-3734-сон маълумотномаси). Натижада, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишнинг илмий асосланганлик даражасини ошириш имконини берган;

жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлиги уларга таъсир этувчи омиллар билан ўзаро боғлиқлик даражаси (юқори, ўрта, паст) баҳоланган ҳамда ArcGIS дастурида яратилган «меҳнат ресурслари», «аҳоли табиий ҳаракати», «аҳоли бандлиги бўйича районлаштириш» ва «аҳоли бандлигининг прогноз кўрсаткичлари» «меҳнат муносабатларининг прогноз кўрсаткичлари» карталари Кадастр агентлигининг «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонаси амалиётига жорий этилган (Кадастр агентлигининг 2022 йил 12 апрелдаги 08-02834-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Миллий атласининг «Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси» қисмига киритилган «Меҳнат ресурслари», «Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли», «Аҳоли бандлиги», «Иқтисодий фаол ва нофаол аҳоли», «Ишсизлар сони ва ишсизлик даражаси», «Аҳолининг иқтисодий фаолият

турлари бўйича бандлиги» каби карталарни яратиш, атласнинг мазмунини янада бойитиш, илмий ва амалий аҳамиятини ошириш имкониятини берган;

жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятларининг аҳолиси, меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, иқтисодий фаол аҳоли, расмий ва норасмий сектордаги иш билан бандлар сонининг 2030 йилгача бўлган прогноз параметрлари баланс, моделлаштириш ва экстраполяция усуллари асосида ишлаб чиқилган прогноз параметрлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги амалиётида «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича узоқ муддатли миллий стратегия»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2022 йил 27 апрелдаги 01/00-03/09-3734-сон маълумотномаси). Натижада, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, демографик омилга мутаносиб ҳолда ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та монография, 1 та Scopus баъзаси тизимида киритилган хорижий журнал, 14 та ОАК рўйхатидаги илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар ва халқаро миқёсда фаолият кўрсатадиган маълумотлар базасида рўйхатдан ўтган илмий журналларда нашр этилган. Шунингдек, тадқиқот мавзуси доирасида 1 та Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан олинган муаллифлик гувоҳномаси ва Ўзбекистон Миллий атласининг Ўзбекистон Республикаси аҳолиси бўлимида тадқиқот мавзусига доир 6 та карта нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 243 бет бўлиб, унинг 198 бети матн қисмидан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот муассасасининг илмий режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқ этиш методологияси ва методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, химояга олиб чиқилган ишнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга

жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли бандлигини иқтисодий географик жиҳатдан ўрганишнинг назарий-услубий асослари**», деб номланган биринчи бобида аҳоли бандлиги тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, келиб чиқиши, қўлланилишига оид илмий-назарий ва услубий қарашлар, аҳоли бандлиги шаклланишининг методологик асослари ва бу борада илмий манбаларда берилган таърифлар таққосланган. Бандлик тушунчасига Ж.Кейнс, Г.С.Вечканов, П.Э.Шлендер, Ю.П.Кокин, К.Г.Кязимов, Н.М.Воловская ва бошқа хорижий олимларнинг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида таърифлари акс этирилган. Таҳлил қилинаётган “бандлик” категорияси ривожланган бозор чегараларида амал қилади. Аҳоли бандлигининг шаклланиши ва ҳудудий хусусиятларидаги ўзига хос қонуниятлар, шунингдек, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар Э.Л.Вдовина, О.Ю.Сушкова, А.Л.Статва каби олимларнинг тадқиқотларида муҳим ўрин тутди. Аҳолининг иш билан бандлиги бўйича тадқиқотлар жараёнида аҳоли бандлигига таъсир этувчи географик омиллар таъсирини англаш муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли бандлигининг шаклланишида иқтисодий-ижтимоий, демографик омиллар қаторида географик омилларнинг роли ўта юқоридир. Кўпгина ҳудудлар учун айнан географик омиллар бандликнинг шаклланиши учун асос бўлади. Мазкур тадқиқот ишида аҳоли бандлигига таъсир этувчи иқтисодий, ижтимоий, демографик, ижтимоий-психологик, экологик ва табиий географик омиллар ҳамда уларнинг ҳудудий хусусиятларига алоҳида урғу берилган.

Аҳоли бандлигининг ҳудудий тақсимланишидаги асосий фарқлар шаҳар ва қишлоқ жойларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Тадқиқот жараёнида шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли бандлигининг географик жиҳатлари аниқланиб, улар тадқиқот объекти ҳисобланган жануби-ғарбий Ўзбекистон меҳнат бозорларининг туркумланишига асос бўлди.

Олиб борилган тадқиқотларга кўра, аҳоли бандлигида демографик омил банд аҳолининг ёш ва жинс хусусиятлари, унинг таркиби билан боғлиқлигини акс эттиради. Демографик омилнинг меҳнат бозорига таъсирини мамлакат аҳолисининг ҳудудлар бўйлаб турли зичликда жойлашуви натижасида келиб чиққан ишчи кучининг нотекис ҳудудий тақсимоотида кўриш мумкин.

Ўрганилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ҳудудларнинг қулай иқтисодий географик ўрни унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши билан бирга, аҳолининг иш билан бандлигини такомиллаштиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Республиканинг бош марказидан узоқлашиб борган сари чеккада жойлашган ҳудудларнинг ИГЎ ҳам ноқулайлашиб боради, иккинчидан, ҳудуддаги транспорт инфратузилмасининг қай даражада ривожланганлиги муҳим омил сифатида роль ўйнайди, учинчидан, ички чегаралар ва хорижий давлатлар билан чегарадошлиги трансчегаравий, ундан халқаро ва магистрал йўлларнинг ўтганлигини, баъзан эса унинг марказийлигини билдиради ва иқтисодий имкониятини яна бир қарра

оширади, тўртинчидан, ташқи иқтисодий алоқалар ва ундаги сиёсий вазиятнинг қандай ҳолатда эканлиги муҳим ўрин тутди.

Меҳнат бозорининг нисбатан юқори ҳудудий даражаси вилоятлар таркибидаги ижтимоий-иқтисодий районлар асосида шаклланади. Вилоятлардаги ишлаб чиқариш ва аҳолининг катта қисми тўпланган нисбатан йирик шаҳарлар уларнинг ядроси ҳисобланади. Бундай шаҳарлар, одатда, иш ўринларига нафақат маҳаллий меҳнат ресурсларини, балки қўшни туманлар аҳолисини, айниқса, йирик магистрал йўллар бўйлаб жойлашган аҳоли пунктларида яшовчиларни ҳам жалб қилади.

«Жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигига таъсир этувчи географик омиллар ва шарт-шароитлар», деб номланган иккинчи бобда аҳоли бандлигига таъсир этувчи географик омиллар ва уларнинг таснифи, жануби-ғарбий Ўзбекистон демографик омилларининг иш билан бандлик ва меҳнат бозорига таъсирининг ҳудудий жиҳатлари, ишчи кучи миграциясига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аҳоли иш билан бандлигининг шаклланиши ва ривожланишида иқтисодий-ижтимоий омиллар билан бирга географик омиллар ҳам муҳим ўрин тутди. Келтирилган омиллар аҳолининг яшаш тарзи ва иш билан бандлигининг такомиллашиб боришига ўз таъсирини кўрсатади. Ўрганилаётган ҳудуд республиканинг марказий ва жанубий ҳудудларини ўз ичига олади. Мамлакат ҳудудининг 48,3 фоизини ташкил этган ҳолда, бу ерда, 2021 йил маълумотларига кўра, 13193 минг киши ёки республика аҳолисининг 37,4 фоизи яшайди. Аҳолининг нисбатан жадал ўсиши Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларида кузатилмоқда. Натижада, мазкур ҳудудларнинг демографик салоҳияти янада ошиб бормоқда. Минтақанинг табиий шароити ва ресурслари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларини турли-туманлиги аҳолининг жойлашувига ҳам нисбатан ўз таъсирини кўрсатган. Минтақанинг бутун географик хусусиятлари унинг ички ва халқаро транспорт тизимининг йўналишларини ҳам белгилаб беради.

Иш билан банд аҳоли сонининг асосий қисми (27,3 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳалари ҳиссасига тўғри келганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу кўрсаткич бевосита қишлоқ хўжалигининг ер ва сув ресурслари билан таъминланганлик даражаси билан қай даражада боғлиқлигини кўрсатади. Тадқиқот ишида ўрганилаётган ҳудудларда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни аҳолининг бандлик даражасига таъсирини баҳолаш учун ҳудудлардаги ҳар бир иқтисодий фаол аҳоли сонига тўғри келадиган суғориладиган ерлар майдони ўрганилди. Минтақада иқтисодий фаол аҳолига нисбатан суғориладиган ерлар майдони республикадаги ўртача кўрсаткичдан анча паст ҳисобланади. Нисбатан юқори бўлган ҳудудларга Қашқадарё вилояти 0,38 га, Бухоро вилояти 0,31 га ер майдони тўғри келади. Қолган Сурхондарё вилояти 0,29 га, Навоий вилояти 0,27 га ва Самарқанд вилоятида эса 0,23 га майдонга тўғри келади. Бу бўйича республикада ўртача кўрсаткич 0,30 гектарни ташкил этади.

Ўрганилаётган ҳудудларнинг иқтисодий географик ўрни (ИГЎ) қай даражада қулай ёки қулай эмаслигини қуйидагича баҳолаш мумкин. Бунга қўра, республика марказида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Навоий вилоятларини иқтисодий географик ўрни қулай эканлигини, Қашқадарё ва энг чеккада жойлашган Сурхондарё вилоятларини бу жиҳатдан ноқулай эканлигини кўрсатади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини ИГЎ нисбатан ноқулай, деб баҳолашнинг яна бир сабабларидан бири, қўшни давлатлардаги ижтимоий нотинчликлар сақланиб қолаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

1-жадвал.

Табий шароит ва ресурсларни ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига таъсирини географик баҳолаш шкаласи

Ҳудудлар номи	Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири				
	Сув ресурси	Ер ресурси	Рекреация ресурси	Табий қазилмалар	Иқтисодий географик ўрин
Бухоро	+	+	+	++	+++
Навоий	+	+	++	+++	+++
Самарқанд	+++	+++	++	++	+++
Сурхондарё	++	+++	++	++	+
Қашқадарё	++	+++	+	++	+

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Изоҳ: + + + таъсири кучли, ++ таъсири ўртача, + таъсири паст, – таъсири деярли йўқ даражада.

Ўрганилган 5 та кўрсаткич бўйича таъсири кучли бўлган ҳудуд бу Самарқанд вилояти, деб баҳоланди. Шунингдек, кейинги ўринларни Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари эгаллади. Ер, сув ва рекреация ресурслари нисбатан чекланганлиги боис, Навоий ва Бухоро вилоятларига юқорида номлари келтирилган мезонларнинг таъсири нисбатан пастроқдир. Табий шароит ва ресурсларнинг аҳамияти, улардан фойдаланиш йўналиши, бир-бирини тўлдириб бориши ва ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳар хил таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, уларга иқтисодий-ижтимоий ва бандлик нуқтаи назаридан баҳо беришда айнан шу жиҳатларига эътибор бериш лозим.

Жануби-ғарбий Ўзбекистонда фақат Сурхондарё вилояти (2,0%) аҳолисининг ўртача йиллик ўсиш суръати республика кўрсаткичидан (1,9%) юқори бўлган. Аксинча, Самарқанд (1,8%), Қашқадарё (1,7%), Навоий (1,7%), Бухоро (1,2%) вилоятларида аҳолининг ўсиш суръати бирмунча паст. Айтиш жоизки, республика аҳолисининг 37,4 фоизи (2021 йил) жануби-ғарбий минтақа (Самарқанд – 11,4%, Қашқадарё – 9,7%, Сурхондарё – 7,8%, Бухоро – 5,6%, Навоий – 2,9%) улушига тўғри келади. Тадқиқотлар республика аҳолиси таркибида жануби-ғарбий Ўзбекистон аҳолисининг улуши йил сайин ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Жануби-ғарбий Ўзбекистон аҳолисининг 39,3 фоизи, республика аҳолисининг эса 50,7 фоизи (2021 йил) шаҳар аҳолисига тўғри келади.

Кўриниб турибдики, ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг урбанизация даражаси биров паст. Ўрганишлар жануби-ғарбий Ўзбекистон урбанизация даражасининг йил сайин қисқариб бораётганлигини кўрсатади. Жануби-ғарбий Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси сони шаҳарларга қараганда юқори суръатда ўсиб борапти. Олиб борилган тадқиқотлар ўрганилаётган ҳудудларда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли мутлақ сонининг кўпайиб, аксинча, жами аҳоли таркибидаги улушининг эса камайганлиги кузатилади. Агар 2011 йили минтақа аҳолисининг 60,4 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб, бу кўрсаткич 57,9 фоизга тенг бўлган ёки 2,5 пунктга камайган.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг йилдан-йилга ўзгариши мазкур ҳудудлар учун аҳолининг табиий ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ бўлса, уларни иш билан таъминлашда миграциянинг роли устундир. Бунда, айниқса, ташқи меҳнат миграцияси ва унда иштирок этувчилар сони ҳамда салоҳияти алоҳида ўрин тутаяди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотларига кўра, тадқиқот объекти ҳисобланган жануби-ғарбий Ўзбекистонда ташқи меҳнат мигрантлари улуши 37,8 фоизни ташкил этиб, 2010-2020 йилларда уларнинг сони 5,9 мартага ортган. Бухоро вилоятидан Россия Федерациясига, Навоий вилоятидан Қозоғистон ва Корея Республикаларига, Самарқанд вилоятидан Туркия ва Бирлашган Араб Амирликларига бориб ишлаётганлар улуши минтақанинг бошқа ҳудудларига қараганда, кўпчиликини ташкил қилади. Ишчи кучи меҳнат миграцияси расмий ва норасмий кўринишга эга бўлган ҳолда, Ўзбекистонда Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Туркия, БАА, Болгария, Польша, Япония мамлакатлари билан расмий кўринишдаги меҳнат миграцияси йўлга қўйилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари асосида республика ҳудудларини меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги бўйича 3 та гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ҳудудлар – Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Андижон, Наманган, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари.

2. Меҳнат ресурслари билан ўртача таъминланган ҳудудлар – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятлари.

3. Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудлар – Жиззах, Сирдарё ва Навоий вилоятлари. Кўриниб турибдики, жануби-ғарбий Ўзбекистондаги Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган, Бухоро вилояти – ўртача, Навоий вилояти эса кам таъминланган ҳудудлар қаторига қиради. Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ҳудудлардаги аҳолини кам таъминланган минтақаларга ички миграциясини самарали ташкил этиш республиканинг меҳнат ресурслари билан тенг тақсимланишини таъминлайди.

Жануби-ғарбий Ўзбекистон бўйича ички меҳнат миграцияси 8,9 фоизга тенг бўлиб, унинг мавсумийлик ва такрорийлик хусусияти хос. Бу турдаги ишчи кучи ҳаракатини асосан қишлоқ аҳолиси (80,5%) вужудга келтирмоқда.

Бунинг асосий сабаби ишчи кучи таклифининг ортиши ва қишлоқ жойларда иш билан таъминланиш имкониятининг камлиги ҳисобланади. Тадқиқот объектида меҳнатга лаёқатли аҳолининг ички меҳнат миграцияси фаоллашмоқда. Бундай ҳолат ташқи меҳнат миграцияси масалаларига давлат даражасида жиддийроқ эътибор қаратиш, уни тартибга солиш бўйича мавжуд механизмларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.


Диссертациянинг «**Жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва меҳнат бозорининг ҳудудий хусусиятлари**», деб номланган учинчи бобида жануби-ғарбий Ўзбекистон меҳнат бозоридаги вазият ва аҳолининг бандлиги, унинг ҳудудий тафовутлари ҳамда минтақадаги аҳоли бандлигини географик омиллар асосида районлаштириш масалалари ўрганилган.

Меҳнат ресурсларининг йилдан-йилга ошиб бориши меҳнат бозорига бўладиган босимни оширади. Аҳолининг 54,4 фоизини меҳнат ресурслари ташкил этади. Меҳнат ресурслари сони 2020 йилда 7032,3 минг кишини ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 17,2 фоизга ортган. Тадқиқот даврида вилоятда меҳнат ресурслари сонининг ўртача йиллик ўсиши республика кўрсаткичидан юқори бўлиб, унинг миқдори 102,2 фоизни ташкил қилган. Жануби-ғарбий Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли сони 2010 йилда 4410,9 минг кишини ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб, бу миқдор 5346,6 минг кишига етган ёки 21,2 фоизга ортган. Маълумотлардан кўринадики, минтақада 2010-2020 йиллар мобайнида ишсизлар сони 249,0 минг кишидан 579,1 минг кишига ёки 2,3 мартага ортган.

Жануби-ғарбий Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 64,5 фоизи (2020 йил) иш билан бандлар ҳисобланади. 2010-2020 йилларда аҳолининг бандлик даражаси 67,7 фоиздан 64,5 фоизга ёки 3,2 пунктга камайган. Кўрилатган даврда жануби-ғарбий Ўзбекистон вилоятлари бўйича иқтисодиётнинг баъзи тармоқларида аҳоли бандлигидаги ўзгаришларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Иш билан банд аҳоли сони кўпаяётган тармоқлар: яшаш ва овқатланиш хизматлари, молиявий ва суғурта фаолияти, профессионал, илмий ва техник фаолият, бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш, давлат бошқаруви ва муҳофаа, мажбурий ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш. Бундай ўзгаришлар асосан минтақанинг Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида кузатилмоқда.

2. Иш билан банд аҳоли сони камаяётган тармоқлар: тоғ-кон саноати ва очиқ конларда ишлаш, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа, кўчмас мулк билан боғлиқ операциялар, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш. Бундай камаяётган тармоқлар асосан Навоий ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келмоқда.



1-расм. Жануби-ғарбий Ўзбекистон ҳудудининг аҳоли бандлиги бўйича районлаштириш картаси

Ўзбекистон худудини табиий географик шароит нуқтаи назаридан икки қисмга – чўл ҳамда тоғ ва тоғолди зонасига бўлиш мумкин. Чўл зонасига Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари киради. Мазкур вилоятлар умумий республика майдонининг 40 фоиздан ортиқ худуди, аҳолисининг эса 35 фоизига тўғри келади. Тоғ ва тоғолди зоналарига киритилган Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари эса республика умумий майдонининг 8,4 фоиз худудини ва аҳолисининг эса 20 фоиздан ортиғини эгаллайди.

Ўрганилаётган худудларда туманларнинг жойлашуви узлуксизликни таъминлай олмас-да, тадқиқотда уларнинг вертикаллик қонунияти асос қилиб олинди. Бундай тадқиқотда: биринчидан, туманлар учун маълум бир баландликларда умумий муаммолар шаклланади. Иккинчидан, аҳолини иш билан таъминлашда вертикаллик қонунияти таъсир кўрсатади.

Юқорида келтирилган асосларни эътиборга олиб, жануби-ғарбий Ўзбекистон худуди таркибидаги туманларни қуйидаги районларга ажратиш тавсия этилади. Булар:

1. Чўл - дашт (400 метргача);
2. Тоғ олди (400-1000 метргача);
3. Тоғли худудлар (1000 метрдан юқори).

Бундай районларга ажратишда вилоят туманларининг жойлашувига кўра денгиз сатҳидан баландлиги асос қилиб олинди.

2-жадвал.

Жануби-ғарбий Ўзбекистон аҳолисининг баландлик минтақалари бўйича бандлик кўрсаткичлари, 2020 й.

Кўрсаткичлар	Чўл-дашт	Тоғ олди	Тоғли	Жами минг киши ва фоизда
Иқтисодий фаол аҳоли сони	1722,5	1738,0	989,0	4449,5
	38,7	39,1	22,2	100
Жами банд аҳоли сони	1536,2	1545,2	879,2	3960,5
	38,8	39	22,2	100
Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар	629,7	484,0	253,3	1367
	46,1	35,4	18,5	100
Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар	696,2	817,2	495,2	2008,6
	34,6	40,7	24,7	100
Хорижда ишлаётган аҳоли сони	210,2	244,1	130,7	585
	35,9	41,7	22,4	100
Ишсизлар сони	188,0	193,0	110	491,1
	38,3	39,3	22,4	100
Ишлашга муҳтож шахслар	186,3	192,8	109,8	488,9
	38,1	39,4	22,5	100

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Изоҳ: суратда – мутлақ миқдор кўрсаткичлари, махражда фоиз берилган.

Ўрганилаётган 5 та вилоятда жами 60 та туман мавжуд бўлиб, улар қуйидаги районлар гуруҳига ажратилди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, табиий географик қонуниятга мос равишда ўрганилаётган 5 та вилоятдаги 60 та туманнинг 29 таси «чўл-дашт» районига тўғри келиб, улар ўрганилаётган ҳудуд майдонининг 73,4 фоизини эгаллайди. «Тоғ олди» районига жами туманларнинг 21 таси кирган бўлиб, улар ўрганилаётган ҳудуд майдонининг 17,9 фоизи, 1000 метр ва ундан юқори бўлган «тоғли ҳудудлар» районига эса 10 та туман киритилган бўлиб, уларга ўрганилаётган ҳудуднинг 8,5 фоизи тўғри келмоқда. Мазкур учала район аҳолиси жами 10827,7 кишидан иборат бўлиб, уларнинг 40,6 фоизи тоғ олди, 36,8 фоизи чўл-дашт ва қолган 22,6 фоизи 1000 метр ва ундан юқори бўлган тоғли ҳудудларда истиқомат қилади. Мазкур районларнинг яна бир хусусияти аҳолининг жойлашув даражаси билан чамбарчас боғлиқлигидир.

Тадқиқот ишининг асосий мақсадларидан бири, бу, тадқиқот доирасида аниқланган муаммоларга ечим топиш билан бир қаторда янги илмий қонуниятларни аниқлашдан иборат. Янги илмий қонуниятларни аниқлаш бандликнинг нафақат иқтисодий, балки ўзига хос бўлган географик жиҳатларини аниқлашга хизмат қилади. Тоғли ҳудудлардаги 10 та туманнинг аҳоли сони 2443,2 минг кишидан иборат бўлиб, (жами ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг 22,4 фоизи) улардан 989,0 минг киши иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланади. Шундан иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 1536,2 минг кишига тенглиги ва худди тоғ олди ҳудуди каби иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар, расмий секторда бандлар сонига нисбатан кўпроқ эканлиги аниқланди. Натижада, ўрганилаётган ҳудудларда жойлашган туманларнинг баландлиги қанчалик юқори бўлса, норасмий секторда ишловчиларнинг жами бандлардаги улуши шунчалик катта эканлиги аниқланди. Статистик маълумотлар ва бандликнинг эконометрик модели натижаларига мувофиқ юқоридаги натижа ўринли эканлиги, яъни туманларнинг жойлашган баландлиги қанчалик юқори бўлса, норасмий секторда ишловчиларнинг жами бандлардаги улуши шунчалик катта бўлиши қонунияти (ўзаро боғлиқлиги) мавжудлиги аниқланди.

Диссертациянинг «**Аҳоли бандлиги ва унга таъсир қилувчи омилларни эконометрик моделлаштириш**», деб номланган тўртинчи бобида аҳоли бандлиги ва унга таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик модели ва таҳлили, вилоят туманларининг қишлоқ хўжалик ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда кластерларни ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини ошириш имкониятлари ва аҳоли бандлигини социологик тадқиқот орқали баҳолаш натижалари тадқиқ этилди.

Иқтисодий масалаларнинг кўп омилли эконометрик моделини тузишда, танлаб олинаётган ва унга таъсир этувчи омилларни корреляцион таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Мазкур тадқиқот ишининг асосий мақсади аҳоли бандлигига боғлиқлик даражасини аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат. Эконометрик моделни қуришда 18 турдаги иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларни статистик мезонлар асосида аҳамиятли ёки аҳамиятсизлиги текшириб кўрилди. Жануби-ғарбий Ўзбекистонда аҳоли бандлигига таъсир

этувчи омилларнинг боғлиқлик даражасини аниқлаш учун қурилган эконометрик модел натижалари асосида қуйидаги хулосалар тайёрланди:

1. Кўп омилли эконометрик модел тузилиши натижасида тадқиқ этилаётган вилоятларда аҳоли бандлигига кучли, ўртача ва сустр таъсир кўрсатувчи (таъсири йўқ) омилларнинг аҳоли бандлиги билан боғлиқлик даражаси аниқланди.

2. Олинган натижаларга мувофиқ, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси бандлигини яқин ва ўрта истиқболларини таъминлашда қайси соҳаларга кўпроқ эътибор бериш кераклиги бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Ушбу қурилган кўп омилли моделлар бўйича тадқиқот иши учун муҳим бўлган қуйидаги натижаларга эришилди:

- Аҳоли сонининг ошиш тезлиги мутлақ ўсувчи характерга эга бўлганлиги ва банд аҳоли сонининг ошиш тезлиги аҳоли сонининг ортиш тезлигидан сустроқ бўлганлиги сабабли, аҳоли сони ва банд аҳоли сонининг ортиши ўртасида ўрганилаётган барча вилоятларда тескари корреляцион боғлиқликни ҳосил қилган. Модел аҳоли сонининг 1000 кишига кўпайиши банд бўлган аҳоли сонининг Самарқанд вилоятида 33 кишига, Қашқадарё вилоятида 42 кишига, Сурхондарё вилоятида 51 кишига, Навоий вилоятида эса 62 кишига ва Бухоро вилоятида 47 кишига камайишини кўрсатмоқда.

Барча вилоятларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ортиши банд бўлган аҳоли сонининг кўпайиши билан бир вақтда юз бергани сабабли боғлиқлик тўғри корреляцион характерга эга бўлган. Амалиётда эса меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ортиши янги иш ўринларини яратишдек мураккаб вазифани юзага келтиради. Ишсизлар сони ва банд бўлган аҳоли сони ўртасида табиий равишда тескари корреляцион боғлиқлик мавжуд. Чунки ишсизлар сонининг кўпайиши банд аҳоли сонининг қисқариши сабабли юз бериши мумкин ёки аксинча. Унга мувофиқ, мазкур вилоятларда аҳоли бандлигини яқин ва ўрта истиқболда таъминлаш учун қайси омилларга кўпроқ урғу бериш кераклиги аниқланди. Жумладан, Қашқадарё вилоятида иш билан бандликни ошириш учун, асосан, саноат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ялпи ҳудудий маҳсулотлар ҳажми каби омилларга кўпроқ урғу бериш керак.

Олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1 фоизга ўсиши банд бўлган аҳоли сонининг 0,21 фоиз, Қашқадарё вилоятида 0,19 фоиз, Сурхондарё вилоятида 0,16 фоиз, Навоий вилоятида 0,35 фоиз ва Бухоро вилоятида 0,23 фоизга кўпайишига олиб келади. Саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1 фоиз ўсиши эса банд бўлган аҳоли сонининг Самарқанд вилоятида 0,1 фоизга, Қашқадарё вилоятида 0,23 фоизга, Сурхондарё вилоятида 0,29 фоизга, Навоий вилоятида 0,16 фоизга, Бухоро вилоятида эса 0,23 фоизга ортишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 1 фоизга ўсиши банд бўлган аҳоли сонини Самарқанд вилоятида 0,37 фоиз, Қашқадарё вилоятида 0,31 фоиз, Сурхондарё вилоятида 0,24 фоиз, Навоий вилоятида 0,49 фоиз ва Бухоро вилоятида эса 0,34 фоизга ўсишига эришилади.

**Аҳоли бандлигига таъсир этувчи омилларнинг аҳоли бандлиги билан
боғлиқлик даражаси**

Омиллар гуруҳи	Самарқанд	Қашқадарё	Сурхондарё	Навоий	Бухоро
Аҳоли сони	Кизил	Кизил	Кизил	Кизил	Кизил
Ялпи ҳудудий маҳсулот	Сариқ	Кизил	Кизил	Кизил	Кизил
Саноат маҳсулотлари ҳажми	Сариқ	Кизил	Кизил	Сариқ	Яшил
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажми	Сариқ	Кизил	Сариқ	Сариқ	Кизил
Қурилиш ишлари ҳажми	Сариқ	Сариқ	Сариқ	Кизил	Сариқ
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	Сариқ	Сариқ	Кизил	Сариқ	Кизил
Аҳоли жон бошига асосий капиталга инвестициялар	Сариқ	Сариқ	Кизил	Сариқ	Кизил
Чакана савдо айланмаси	Сариқ	Яшил	Кизил	Сариқ	Кизил
Ўртача иш ҳақи миқдори	Сариқ	Яшил	Кизил	Кизил	Сариқ
ОТМ битирувчилари сони	Сариқ	Сариқ	Яшил	Яшил	Яшил
Меҳнатга лаёқатли аҳоли сони	Кизил	Яшил	Кизил	Кизил	Сариқ
Ишсизлар сони	Сариқ	Яшил	Яшил	Яшил	Яшил
Туғилганлар сони	Сариқ	Яшил	Яшил	Яшил	Яшил
Ўлганлар сони	Сариқ	Яшил	Яшил	Яшил	Яшил
Миграцион ўсиш (камайиш)	Кизил	Кизил	Кизил	Сариқ	Кизил
Аҳоли зичлиги	Кизил	Кизил	Кизил	Кизил	Сариқ
Суғориладиган ерлар миқдори	Яшил	Сариқ	Сариқ	Сариқ	Кизил
Иқтисодий тармоқларида фойдаланиладиган сув миқдори	Яшил	Сариқ	Сариқ	Яшил	Сариқ
Миграция сальдоси	Яшил	Яшил	Яшил	Сариқ	Кизил

Жадвал муаллиф тадқиқотлари асосида тайёрланган.

Изоҳ: **кизил** – юқори даражали, **сариқ** – ўрта даражали, **яшил** – паст даражали.

Тузилган модел натижаларига кўра, барча вилоятларда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўсиши янги иш ўринларини яратишдек мураккаб вазифани юзага келтиради. Ўз навбатида, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг кўпайиб бориши ишсизлар сонининг ҳам ўсишига сабаб бўлади. Иқтисодий

географик тармоқларда (қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқалар) кластерларнинг бир бутунлигича ривожланиши, аввало, янги иш ўринларининг яратилишига ва бу орқали ҳудудларда аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида 420 та агросаноат кластерлари фаолияти йўлга қўйилиши ва ушбу йўналишда амалга оширилган лойиҳалар натижасида сўнгги 3 йилда ҳудудларда 152 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган. Бу каби лойиҳалар барча йўналишдаги кластерлар томонидан муваффақиятли амалга оширишнинг имкониятлари тадқиқ этилаётган минтақада ҳам янада юқори.

Ўрганилаётган ҳудудларда агросаноат кластерларини ташкил қилиш учун етарлича имкониятлари мавжуд. Жумладан, бундай имкониятларга ҳудудларнинг қулай географик ўрни, табиий шароитнинг ўзига хослиги, қишлоқ хўжалик тузилиши ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик даражаси кабилар қиради.

Тадқиқот ишида 2017 йил Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида ташкил этилган «Мароқанд-сифат» кластерининг таркибий тузилиши ва унинг фаолият турлари ўрганилди. Ўрганилаётган ҳудудларнинг табиий-иқлим шароитларига мос, серҳосил ва экспортбоп мева-сабзавот экинлари навларини жойлаштириш, ташқи бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини тўлиқ қамраб олувчи агросаноат кластерлар тизимини кенг жорий қилиш таклиф этилди.

